

---

## 03/07/2024 БАҒДОДЛИК ҲОЖИЛАР “ҲАЖ” ЗИЁРАТИДАН ҚАЙТДИЛАР. ЗИЁРАТЛАРИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

Шу йилнинг 29-май куни 74 нафар бағдодлик тумандошларимиз давлат томонидан муборак Ҳаж зиёратига жўнаб кетган эдилар. Бир ойдан ошиқ вақт мобайнида улуғ жойларда ибодат файзи билан машғул бўлиб, муқаддас Ҳаж амалларини адо этиб, туманимизга соғ-омон кириб келдилар. Бугун Марказий ўйингоҳнинг соя-салқин ҳудудида Бағдод тумани ҳокими Фанижон Солиев, сектор раҳбарлари, мутасаддилар улуғ зиёрат файзи, шукроналик ҳисси ва юрт соғинчи ифодаси кўришиб турган ҳожиларни ҳурмат ва эҳтиром билан кутиб олдилар.

- Ҳожи оталар, хожи оналаримиз барчаларингни Давлатимиз раҳбарининг бевосита ташаббуси билан диний эркинлик борасида яратиб берган имкониятлари сабаб эмин-эркин “Ҳаж” амалларини адо этиб қайтганларингдан шодмиз. Кўп йиллар оилаларингда дуоғўй бўлиб юринглар! Ўйлаймизки, маҳаллаларингда чин маънода маънавий тарғиботчи бўлиб эзгу панд-насиҳатларингни аямайсизлар – деди туман ҳокими Ф.Солиев.

Ҳожилар сафида Юртбошимиз йўлланмаси билан Ҳожилик мақомига эришган Раънохон ая Ҳалилова ҳам бор.

Батафсил [https://t.me/bagdodim\\_news](https://t.me/bagdodim_news)

2024-07-04 17:18:00